№4
2024
ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ
NÓKIS FILIALÍ

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI | ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУСТВА | BULLETIN OF MUSIC AND ART

# MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

ILIMIY - METODIKALÍQ JURNAL

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI**
**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT MINISTRLIGI**
**ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ NÓKIS FILIALÍ**

# MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ
*Ilimiy-metodikalıq jurnal*

# MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI
*Ilmiy-uslubiy jurnal*

# ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА
*Научно-методический журнал*

# BULLETIN OF MUSIC AND ART
*Scientific-methodical journal*

**№ 4/2024**

## SHÓLKEMLESTIRIWSHI:
*Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filialı*



**Bas redaktor:** – Allanbaev Rudakiy, *professor*

**Juwaplı xatker:** – Kamalova Dilfuza, *filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı, docent.*

**REDKOLLEGIYA AǴZALARÍ:**

**OZODBEK NAZARBEKOV –** Ózbekstan Respublikası Mádeniyat ministri, professor;

**AZIZBEK TURDIEV** – Ózbekstan Respublikası Oliy Majlis Senatınıń jaslar, mádeniyat hám sport máseleleri komiteti baslıǵı orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD);

**BEGIS TEMIRBAEV** – Qaraqalpaqstan Respublikası Mádeniyat ministri, docent;

**KAMOLIDDIN URINBAYEV –** Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası rektorı, docent;

**OMONILLA RIZAEV** – kórkem ónertanıw ilimleriniń kandidatı, professor;

**HIKMAT RAJABOV** – professor;

**ORAZALI TOSHMATOV** – professor;

**BAXT AZIMOV** – pedagogika ilimleri kandidatı, docent,

**MUHABBAT TOLAXOJAEVA** – kórkem ónertanıw ilimleriniń doktorı, professor;

**MARFUA XAMIDOVA -** kórkem ónertanıw ilimleriniń doktorı, professor;

**BOLTABOY SHODIYEV -** kórkem ónertanıw ilimleriniń doktorı;

**OZODA TOSHMATOVA -** kórkem ónertanıw ilimleriniń doktorı, professor;

**SAYYORA ǴAFUROVA** – professor;

**OYDIN ABDULLAEVA** – professor;

**IRODA MIRTALIPOVA** –kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD);

**PARAXAT MAMUTOV** – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD);

**QURBANBAY JARIMBETOV** – filologiya ilimleriniń doktorı, professor;

**ALIMA BERDIMURATOVA** – filosofiya ilimleriniń doktorı, professor;

**ZIYADA BEKBERGENOVA** – filologiya ilimleriniń doktorı (DSc), professor;

**ALIMA PIRNIYAZOVA** –filologiya ilimleriniń doktorı (DSc);

**YUSUPOV QONÍSBAY –** pedagogika ilimleriniń doktorı (DSc), professor;

**UTEBAEV TAJIBAY -** pedagogika ilimleriniń doktorı (DSc), professor;

**SEYTKASIMOV DAULETNAZAR -** pedagogika ilimleriniń doktorı (DSc);

**ARTÍQBAY EREJEPOV** – pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD), docent;

**JAŃABAY MARZIYAEV** – filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD), docent;



*Jurnal qaraqalpaq, ózbek, rus hám ingliz tillerinde jılına 2 márte basıladı. Jurnal Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administraciyası janındaǵı Málimleme hám ǵalaba kommunikaciyalar agentligi tárepinen mámleketlik dizimnen ótkerilgen. №047569 4-oktyabr, 2022-jıl.*

**Ózbekstan Respublikası Joqarı Attestaciya Komissiyasınıń 2024-jıl 30-iyuldaǵı 358-sanlı qararı tiykarında jurnal 17.00.00-Kórkem ónertanıw ilimleri jónelisi boyınsha dissertaciya nátiyjelerin baspadan shıǵarıw ushın arnalǵan jetekshi ilimiy jurnallar qatarına kiritilgen.**

*Redakciya mánzili: Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filialı Turan oypatı 29-jay.*

*E-mail:ozdknf@edu.uz, UZDK_Nukus@exat. Tel:551020540 Veb-sayt: https://science.uzdknf.uz/*

**ISSN-2181-4112**

# ЎЗБЕК МАДАНИЙ МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИДА ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ АНСАМБЛЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

## (чангчилар ансамблида Ф.Содиқовнинг “Ҳумор” асари мисолида)

**Мамадалиев А.**

*Ўзбекистон давлат консерваторияси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек мусиқасида халқ чолғулари йўналиши ансамбл ижрочилиги бўйича маълумотлар берилган. Унда Чангчилар ансамблининг фаолияти ҳақида тўхталиб ўтилган. Ансамблнинг замонавий ривожланиш жараёнлари ва ижро тахлиллар ўрин олган. Мақолада чангчилар ансамблидаги штрихлар бўйича ҳам кўрсатмалар мавжуд.

**Калит сўзлар:** ансамбль, ижрочилик, репертуар, чанг, мусиқа, санъат, маданият, чолғу, маҳорат, қобилият.

**Аннотация:** В этой статье представлена информация об ансамблевом исполнении узбекской музыки на народных инструментах. Автор в статье описывает и анализирует исполнительскую деятельность ансамбля Чангчилар в его нынешнем статусе. Статья также содержит руководство по выполнению штрихов в ансамбле.

**Ключевые слова:** ансамбль, исполнение, репертуар, чанг, музыка, искусство, культура, инструмент, мастерство, умение.

**Annotation:** This article presents information about the ensemble performance of Uzbek music on folk instruments. The Changchilar Ensemble's current performance activities are described and analyzed by the author of the article. An ensemble stroke performance guide is also included.

**Keywords:** ensemble, performance, repertoire, chang, music, art, culture, instrument, mastery, skill.

**Кириш:** Бизга маълумки, ўзбек мусиқаси санъатида ансамбль ижрочилиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, миллий мусиқамиз санъатимизнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари шу орқали тўлиқ очиб берилган. Ўзбекистонда халқ чолғулари ансамбль ижрочилик санъати ўзининг тараққиёт босқичида юқори натижаларни қўлга киритганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг замирида белгилаб берилган дастурлар асосида олиб борилаётган таълим тизими ва қадим-қадимдан шаклланиб келган “устоз-шогирдчилик” анъанаси ҳамда бугунги кунда мамлакатимизда яратилган узлуксиз мусиқий таълим тизимида фаолият олиб бораётган устоз-

мураббийларнинг хизматида, ўз аксини топган десак муболаға қилмаган бўламиз.

"Ўзбек миллий чолғуларида ижрочилик санъати, чолғуларда ўқитиш мактаби замон талабига кўра тобора юксалиб, тараққиёт йўлида бораётганлиги туртки бўлди. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги йўналишдаги миллий чолғуларда созандачилик санъати бугунги кунда сезиларли даражада юксалди, улғайди, камолга етди. Ўзбекистон Республикаси мусиқа санъати юксак даражага кўтарилди, устозларнинг бугунги кундаги янги авлоди шаклланди. Якканавоз чолғу-ижрочилик санъати билан мусиқий-эстетик эҳтиёжини қондиришда Ўзбек миллий чолғуларининг хилма-хиллиги, тембр жихатидан сероҳанглиги, жўшқин ва шавқли навоси туфайли турли таркибдаги чолғу ансамбллари тузиш имкониятларидан тўла фойдаланиш лозимлиги ҳаётимиз мазмунига айланди"[1].

**Асосий қисм:** Миллий чолғу ансамбллари сафига турли хилдаги: найчилар, рубобчилар, дуторчилар, ғижжакчилар, дойрачилар ва чанг чолғулари ансамбли яқин давр давомида узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Булар орасида бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эга бўлган, барча ансамблларга намуна бўла оладиган ансамбллардан бири – бу Чангчилар ансамблидир.

**"Чангчилар ансамбли".** М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида (ҳозирда-Ўзбекистон давлат консерваториси) Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор, устоз созанда, А. Одилов ташаббуси билан 1969 йилда ташкил қилинган [2]. Бу ансамбл кўплаб ютуқларга эришган. Бир қатор хорижий давлатларда ҳам ўз чиқишлари билан тингловчилар олқишига сазовор бўлган. Афсуски, 2000-2015 йилларда ансамбл фаолиятида танаффуз юзага келади.

2015 йилда чангчилар ансамбли қайтадан тикланди ва ҳозирги кунда ансамблга Ўзбекистон давлат консерваторияси "Халқ чолғуларида ижрочилик" кафедраси доценти, Турон фанлар академияси фахрий профессори таниқли чангчи созанда, ташкилотчи Аҳаджон Мамадалиев раҳбарлик қилиб, истеъдодли ёшларга ансамбл сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Миллий чангчилар ансамбли мусиқий меъросни тарғиб этишда, жаҳон классик композиторлари томонидан яратилган нодир мусиқий асарларни ижро этиб, ёшларни, кўп сонли тингловчиларни мусиқий, эстетик дидларини тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Катта катта нуфузли концерт чиқишларида қатнашиб, ижодий даста сифатида жамоатчилик томонидан тан олинди. Ушбу ансамблни қайта ташкил топиши



ёшларимизнинг маданий-маърифий ҳаётида тарихий воқеа бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Ансамблнинг репертуарини бойитиш мақсадида тажрибали ва ёш композитор ва бастакорлардан А.Мансуров, Н.Норхўжаев, О.Абдуллаева, Ш.Собиров, Қ.Назиров, С.Примовлар ўзларининг янги асарларини тақдим этишмоқда.

Ансамблнинг репертуарида - Мақом намуналари, Ўзбек халқ мусиқалари, жаҳоннинг машҳур композиторлари асарлари ўрин олган ва у тобора бойитиб борилмоқда. Натижада ушбу ансамбль Ўзбекистон радиоси, телевидение орқали, Ўзбекистон давлат консерваторияси катта зали ва турли масканларда, шунингдек, юртимизнинг маданият даргоҳларида концерт дастурлари билан мунтазам қатнашиш имкониятига эга бўлмоқда.

Чанг чолғусини ва унинг ижросида тараладиган тароналарни халқимиз севиб тинглайди. Создан чиқаётган оҳангларга шинавандалар меҳр билан қулоқ тутадилар. Унинг тўла ва тиниқ садоси, ёқимли навоси, товушларнинг жарангдорлиги, қолаверса баъзи ривоятларга қараганда, бемор кишиларни даволаш қудратига эга бўлганлиги учун ҳам ундаги оҳанг таратиш санъати халқимиз томонидан авайлаб эъзозланади [4].

**Чангчилар ансамблида ижро усуллари.** Юқорида таъкидланганидек, чолғуни такомиллаштириш натижасида мавжуд чангнинг ижрочилик имкониятлари кенгайтирилгач, товуш ҳосил қилишнинг янги кўринишлари юзага келди. Бу хусусда устозлар “Чанг дарслиги” китобида атрофлича маълумотлар берилган[5]. Муаллифлар товуш ҳосил қилишни қуйидагича таснифлайдилар:

Урма зарб-асосий товуш чиқариш йўли. Чанг чўпларини торларга бирин-кетин уриб товуш ҳосил қилиш;

Чўп чертмак. *Pizzicato col legno (pizz.col legno)*- чўпларни орқа ясси қисми билан тирнаб(чертиб) чалиш;

Бармоқ чертмак. *Pizzcato (pizz.)* - қўл бармоқлари билан чанг торларини майин чертиб чалиш;

Чўп тарак. *Col legno (col leg.)* - чўпнинг орқа ясси қисмида чанг торларини чиқиллатиб уриб чалиш.

Шунингдек, чанг чолғусида ҳам ижро штрихлари ўзига хос, яъни, чолғунинг тузилиши, унинг ижро имкониятлари ва товуш хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидагича шакллантирилган.

*Калта урма зарб (стаккато).* Чанг чўпларини торларга уриб, енгил, узиб-узиб, сакратма товуш ҳосил қилиш;

*Рез (тремоло).* Чанг чўпларини торларга тез-тез алмашиб уриб ёки чўпларнинг орқа ясси қисми билан давомли чертиб, рез ҳосил этиш;

*Боғлама (легато*). Товушларни бир текис улаб, чўплар билан торлардан торларга узлюксиз майин ўтиб чалиш;

*Сурдинали (бўғма) калта зарб (stakkato con sordino).* Жаранглаб турган чанг торларини чап қўл бармоғи билан тез-тез товуш сўндириб, калта бўғиқ товуш ҳосил этиш;

*Тебратма (вибрато).* Чўп чертмак услубини қўллаган ҳолда жаранглаётганён қаторига туташган қисмини бўш қўлнинг ўрта бармоғи билан аста тўлқинлантириб тебратиб чалиш;

*Чўп сирғатма (glissando).* Чўпнинг орқа яланг қисми билан бир товушдан иккичи товушга пасдан юқорига ёки юқоридан пастга чўплар билан товушларни сирғантириб чалиш.

Бугунги кунда Чангчилар ансамблида талаба созанда ёшлар самарали мехнат қилиб, ўз маҳоратини ошириб боришмоқда. Ансамбли бастакор асарларидан устоз Фаҳриддин Содиқовнинг “Ҳумор” асари муҳим ўрин тутади. Қуйида шу асарнинг ижрочилик тахлилини қиламиз (фортепиано жўрлигида).

Ушбу асар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, атоқли бастакор, моҳир созанда Фаҳриддин Содиқов қаламига мансуб бўлиб, чангчи Р.Ҳайдарова томонидан нота олинган [6].

Асар **C, 3/4** ўлчовларида, **a-moll** (фригий ладн) тоналлигида ёзилган. Кириш қисми эркин темпда ёзилган. Чанг чолғуси ферматоли ноталарни тремоло штрихида ижро этади [7].

Мисол №1






Асосий қисм **3/4** ўлчовида бошланади. Чангда намоён бўлган усул ўзбек миллий мусиқасига хосдир. Мисол №2



Тўққизинчи тактдан бош мавзу улуғвор характерда бошланади. Йигирма бешинчи тактга қадар жумла икки марта такрорланади. ***d-moll*** тоналлигида мавзунинг субдоминанта босқичидан ривожи кириб келади. Мисол №3




Чанг партиясида ўттиз иккиталиклар ёрдамида ўзбек миллий мусиқасига хос мелизмлар ифодаланган. Мисол №4




Қирқ бешинчи тактдан бош мавзунинг авж қисми бошланади. Бу жумла ***f*** динамисида янграйди. Эллик учинчи тактнинг учинчи тактидан бошлаб, ***p*** динамикасидан ***cresc.***га кўтарилиб боради.

Мисол №5



Олтмиш тўққизинчи тактдан яна бош мавзу кичик авж қисмига ўтади. Етмиш еттинчи тактда асар **Allegro** темпида ижро этилади. Ушбу қисмда бош мавзу қувноқ характерда жаранглайди.

Мисол №6




Тўқсон бешинчи тактдан мавзунинг ривожи бошланади. Бир юз ўн бешинчи тактда асарнинг авж қисми юқори пардаларда ижро этилади.

Мисол №6




Асарнинг кода қисми бир юз қирқ бешинчи тактда **A tempo**да гавдаланади. Оҳирги уч тактга **ritenuto** ёрдамида ўтиб, ***pizz.*** штрихи билан мавзунинг якуний ноталари оҳиста ижро этилади.

Мисол № 7




Ҳозирги кунда чангчилар ансамбли янги-янги асарлар усти ишлаб, радио ва телеэкран орқали ўз чиқишларини давом этттириб, ундаги созандалар замонавий йўналишларда ҳам ўз маҳоратини ошириб келмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. ЎзДК “Мусиқа” журнали. 4. (12). 2020 й.
2. Лутфуллаев А. “Чангчилар ансамбли” ўқув-қўлланма.Тошкент 2003 й.
3. Доцент Аҳаджон Мамадалиев раҳбарлигидаги Чангчилар ансамблининг 2022 йилдаги сёмка жараёнларидан лавҳа.
4. Мамадалиев А. Халқ чолғуларида ижрочилик (чанг). 2022 й.
5. Одилов А., Петросянц А. Чанг дарслиги. Тошкент. 1961 й.
6. Ҳайдарова Р. Анъанавий чолғу ижрочилиги. Тошкент. 2021 й.
7. Мамадалиев А. Халқ чолғуларида ижрочилик (чанг). 2022 й.



## MAZMUNÍ

### MUZÍKATANÍW


1 **Раджабова С.Р.** СОВРЕМЕННОЕ ВОКАЛЬНОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ: СОЕДИНЕНИЕ ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ В АЦИОНАЛЬНОМ МУЗЫКАЛЬНОМ ИСКУССТВЕ…………………………………….. 3

2 **Туйчиева Р.Х.** СОНАТА ДЛЯ СКРИПКИ И ФОРТЕПИАНО ФАТТАХА НАЗАРОВА В КЛАССЕ КАМЕРНОГО АНСАМБЛЯ….. 12

3 **Muxamedjanova Z.** YOSH KOMPOZITORLAR IJODIDA KAMER-CHOLG‘U ASARLARNING IJROCHILIK TALQINI……................ 17

4 **Ража6ова Н.Ф.** ЛАДЫ НАРОДНОЙ МУЗЫКИ В КУРСЕ СОЛЬФЕДЖИО……………………………………………………….. 26

5 **Saidxonov A.S.** IOGAN SEBASTYAN BAX OHANGLARDAN TARALAYOTGAN HAYOT…………………………………………… 31

6 **Muxamedjanova Z.** B.TURSUNBOYEVNING FORTEPIANO UCHUN “SAVTI KALON SOQIYNOMASI” MAVZUSIGA VARIATSIYASI TAHLILI VA TALQIN MASALASI……………….. 36

7 **Чаршемов Ж.А.** ОРКЕСТР УЧУН КОНЦЕРТ ЖАНРИ ТАРИХИ….. 44

8 **Kamalova G.M.** JAMIL CHARSHEMOVTÍŃ “POPURRI” SHÍǴARMASÍNÍŃ ÓZGESHELIGI……………………………….. 52

9 **Allaniyazov B.Q.** «MUXAMMES» JANRÍNÍŃ TEORIYALÍQ HÁM ÁMELIY MASHQALALARÍ…………………………………………… 58

10 **Мухамедзиянов К.Т.** О ВОКАЛЬНОМ ЦИКЛЕ «РУБАЯТ» НОДИРА МАХАРОВА НА СЛОВА АЛИШЕРА НАВОИ………… 64


### KÓRKEM ÓNER


11 **Allanbaev R.O.** MUZÍKALÍ SHIǴARMALARDIŃ QARAQALPAQ TEATRÍNDA TUTQAN ORNÍ...................................................... 69

12 **Djumaniyazov U.M.** XALQ CHOLG‘ULARI ORKESTRIDA RUBOB PRIMANING O‘RNI…………………………………………………… 76

13 **Áliev N.Ǵ.** QARAQALPAQ MUZIKA MÁDENIYATINDA DEMLI ÁSBAPLAR…………………………………………………… 81

14 **Kamalova G., Dauletbaeva G.** DUWTAR SAZ ÁSBABÍN ZAMANAGÓYLESTIRIWDIŃ ÁHMIYETI...................................... 89

15 **Karimova N.** O‘ZBEKISTONDA O‘TKAZILAYOTGAN XALQARO TIVALLARNING MADANIY ALOQALARDAGI ROLI (Xalqaro asal vali misolida)……………………………………………..................... 95

16 **Ризаев О.** ТЕАТР ВА ЗАМОН……………………………………… 105

17 **Shukurov A.** MILLIY O‘ZLIKNI ANGLASHDA MILLIY MADANIYATNING AHAMIYATI…………………………………… 111

18 **Хожаназаров Т.** ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ОПЕРА САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ………………………………………………………… 117
19 **Мамадалиев А.** ЎЗБЕК МАДАНИЙ МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИДА ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ АНСАМБЛЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (чангчилар ансамблида Ф.Содиқовнинг “Ҳумор” асари мисолида).. 122
20 **Назаров О.** МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРДА ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУТАХАССИСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ (Абдувоҳид Мажидов фаолияти мисолида)……………………………………… 129
21 **Юлдашева М.Б.** РОЛЬ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ И КУЛЬТУРНОЙ ДИПЛОМАТИИ В ПРОДВИЖЕНИИ КУЛЬТУРЫ УЗБЕКИСТАНА…………………… 135

## MUZÍKA PEDAGOGIKASÍ

22 **Gulmanov I.Sh.** DÁP ÁSBABÍN OQÍTÍW METODIKASÍ TARIYXÍ.. 143
23 **Iseev R.** FORTEPIANO SABAǴINDA SES GOZALLÍǴÍ ÚSTINDE ISLEW PROCESI.......................................................................... 154
24 **Yusupaliyeva D.K.** YANGI O‘ZBEKISTON YOSHLARI TARBIYASIDA MILLIY QADRIYAT: MOHIYAT VA MAZMUN.... 160
25 **Азимов Б.** ИЛМ ВА ТАЖРИБАДАГИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ (Васильев Феоктист Никифорович ижоди мисолида)……………… 168
26 **Казакбаева М.** РОЛЬ И РАЗВИТИИ ЦИФРОВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ В МУЗЫКАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ……….. 175
27 **Умарова В.** РАБОТА НАД ПОЛИФОНИЧЕСКИМИ ПРОИЗВЕДЕНИЯМИ В КЛАССЕ «СПЕЦИАЛЬНОЕ ФОРТЕПИАНО»…………………………………………………. 180

## JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

28 **Тлеуниязова Г.Б.** ЗАМОНАВИЙ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИДА ШЕЪР КОМПОЗИЦИЯСИ........................................................................ 186
29 **Бекбергенова А.У.** ПИСЬМЕННЫЙ ПАМЯТНИК «КИТАБИ ДЕДЕМ КОРКУТ» И ДАСТАН «ЕР ЗИЙУАР»............................... 196
30 **Бекбергенова А.У.** ҚАРАҚАЛПАҚ ОЧЕРКЛЕРИНИҢ РАЎАЖЛАНЫЎ ТЕНДЕНЦИЯЛАРЫ (1991-2000-жыллар)………. 202

# MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

***Ilimiy-metodikalıq jurnal***

**"STATION X" baspası**
**Nókis-2024**